



ХИЗМАТ ВАЗИФАЛАРИНИ БАЖАРИШ ЖАРАЁНИДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ҲАЁТИ ЁКИ СОҒЛИҒИГА ЗАРАР ЕТКАЗИЛИШИ НАТИЖАСИДА ВУЖУДГА КЕЛАДИГАН МАЖБУРИЯТ

Эргашев Бахтиёр Ортик ўғли

Сурхондарё вилояти Шеробод тумани

ИИБ ТҚХТ ва ЧХТГ тезкор вакили

Аннотация: Мазкур мақолада хизмат вазифаларини бажариш жараёнида ички ишлар органлари ходимларининг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплашнинг фуқаролик-ҳуқуқий механизми илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан ходимларга етказилган зарарни қоплаш институтининг ҳуқуқий асослари, давлатнинг қафолатли масъулияти ва бундай зарарни қоплашда фуқаролик ҳуқуқининг умумий қоидалари билан махсус меъёрларнинг ўзаро боғлиқлиги ёритилган. Шунингдек, ички ишлар органлари фаолиятининг хавфлилиги, хизмат вазифаларини бажаришда юзага келувчи ҳуқуқий хавфлар, ва бу жараёнда ходимнинг шахсий номулкий ҳуқуқларига таъсир этувчи ҳолатлар таҳлил этилган. Мақолада хорижий мамлакатлар тажрибаси билан қиёсий таҳлил ўтказилиб, амалдаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Зарарни қоплашнинг давлат томонидан қафолатланган тизими, меҳнат ва фуқаролик жавобгарлиги ўртасидаги ҳуқуқий чегаралар, ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий ҳимояси масалалари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: фуқаролик ҳуқуқи, зарарни қоплаш, ички ишлар органлари, хизмат вазифаси, ҳуқуқий қафолатлар, давлат жавобгарлиги, номулкий ҳуқуқлар, ҳаёт ва соғлиқ, жавобгарлик механизми, ижтимоий ҳимоя, хизмат фаолияти, хавф манбаи, моддий компенсация, ҳуқуқий қафолат тизими.

Кириш

Давлат ва жамиятнинг ички ишлар органлари ходимлари каби хизматчилар тоифасига нисбатан бурчлари нафақат уларнинг конституциявий аҳамиятга эга вазифаларни бажаришлари билан, балки ушбу фаолият тури мамлакат мудофааси ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш билан бевосита боғлиқ эканлиги билан ҳам белгиланади. Шу сабабли, мазкур фаолият жамоат манфаатларида амалга оширилади. Давлат полицияички ишлар органлари ходимларининг ҳаёти ёки соғлиғига хизматни ўташ даврида етказилган зарар ҳолатларида уларни моддий таъминлаш мажбуриятини зиммасига олган. Бу эса улар зиммасига юклатилган вазифаларнинг махсус хусусияти билан боғлиқ, чунки бу вазифалар ҳар қандай шароитда, жумладан, ҳаёт ва соғлиқ учун жиддий хавф туғдирадиган вазиятларда ҳам бажарилиши керак.

Ички ишлар органлари ходимлари орасида кундалик ёхуд тунги хизмат фаолияти давомида турли бахтсиз ҳодисалар ва фуқаролар томонидан қаршилик кўрсатилиши оқибатида, вафот этиш ҳамда тан жароҳати олиб ногирон бўлиб қолиш ҳолатлари тез-тез

учрамоқда. «2022 йилнинг 10 ойида 25 нафар ходим вафот этган, шундан, 9 нафари йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида, 16 нафари хизмат вазифасини бажариш вақтида вафот этган. Шунингдек, 284 нафар ходимлар турли даражада тан жароҳати олиб, аксарияти олган тан жароҳати оқибатида орттирилган ногиронлик ҳолати ёки хизматга яроқсизлиги сабабли, соғлиғининг ҳолатига кўра ички ишлар органларидан бўшатишган». Мазкур муаммоларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш, амалдаги қонунчиликни хорижий давлатлар тажрибаси билан қиёсий ўрганиш ва фуқаролик-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш — бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади. Чунки ички ишлар органлари ходимларининг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш нафақат уларнинг шахсий манфаатлари, балки давлатнинг ҳуқуқий барқарорлиги ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим кафолати ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, мазкур мавзудаги илмий изланишлар нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, давлат кафолатларини мустаҳкамлаш ва ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилади.

Зарар етказилиши натижасида вужудга келадиган мажбурият фуқаролик ҳуқуқи фанида ҳам, цивилистик назариядан ҳам, фуқаролик қонунчилигида ҳам атрофлича таҳлил этиб борилади. Бироқ мазкур мақола ички ишлар органлари ходимларининг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплашнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солинишини ўрганишга қаратилганлиги сабабли, мазкур турдаги мажбуриятларнинг умумий қоидаларини эсга олиш мақсадга мувофиқ деб айтиш мумкин. Чунки мажбуриятларнинг умумий тушунчаларини, уларнинг вужудга келиш шартларини ҳамда етказилган зарар учун жавобгарликнинг айрим турларини билмасдан туриб, тадқиқ этилаётган мавзунини чуқур англашнинг имкони йўқ.

Зарар етказилиши натижасида вужудга келадиган мажбуриятлар — бу шартномага оид бўлмаган мажбуриятларнинг бир туридир. Бундай мажбуриятлар ҳам шартнома муносабатларида бўлган шахслар ўртасида, ҳам шартнома муносабатларида бўлмаган шахслар ўртасида юзага келиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам етказилган зарар шартнома мажбуриятларининг бузилиши билан боғлиқ бўлмайди.

Фуқаролик қонунчилигида бошқа шахсга зарар етказиш фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларининг вужудга келиш асосларидан бири сифатида кўрсатилган. Бу ерда зарарли натижа нафақат фаол ҳаракат натижасида, балки ҳаракатсизлик (масалан, безътиборлик, меҳнат хавфсизлигини таъминламаслик ва ҳ.к.) натижасида ҳам юзага келиши мумкин.

Мажбуриятнинг вужудга келиш асоси — бу бошқа шахсга зарар етказишда ифодаланган фуқаролик ҳуқуқбузарлигидир. Зарар етказилиши натижасида вужудга келадиган мажбурият институти ҳам қопловчи (компенсацион), ҳам огоҳлантирувчи вазифаларни бажаради. Қопловчи вазифа — жабрланувчининг моддий ёки номоддий неъматларига қаратилган ноқонуний таъсирнинг салбий оқибатларини бартараф этишга хизмат қилади. Огоҳлантирувчи вазифа эса — қонунга риоя этишни, қонун билан муҳофаза қилинадиган моддий ва номоддий неъматларга эҳтиёткорона муносабатда бўлишни рағбатлантиради.

Зарарни қоплаш мажбурияти юзага келиши учун фақат зарар етказиш фактининг ўзи етарли эмас. Фақатгина зарар етказиш ҳолати билан биргаликдаги барча зарур шартлар мавжуд бўлган тақдирдагина зарарни қоплаш мажбурияти вужудга келади. Бундай шартларга қуйидагилар киради: ҳаракат (ёки ҳаракатсизлик)нинг ноқонунийлиги, мазкур ҳаракат (ёки ҳаракатсизлик) билан келиб чиққан зарарли натижа ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги ҳамда зарар етказувчининг айби. Фуқаролик ҳуқуқининг негизини ташкил қилувчи Рим

ҳуқуқида фуқаролик ҳуқуқий мажбуриятлар таркибини шартномавий мажбуриятлар (obligationes ex contractu), деликт мажбуриятлар (obligationes ex delicto) ва таснифлаб булмайдиган мажбуриятларга (variis causarum figures) бўлинар эди .

Замонавий фуқаролик ҳуқуқида бундай таснифлашни рад этилган ҳолда мажбуриятлар шартномавий ва шартномадан ташқари мажбуриятларга бўлинади. Демак, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар шартномадан ташқари мажбуриятларнинг бир турини ташкил қилади . Г.Дернбургнинг фикрича, мажбуриятлар бўлинишининг асоси сифатида мажбуриятларнинг асосий қисми юридик битимлардан ва бошқа ходисалар натижасида келиб чиқадиган мажбуриятлардан ташкил топади 5. Е.А.Сухановнинг таъкидлашича, шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятлардан фарқли ўлароқ шартномадан ташқари мажбуриятларнинг асосий хусусияти маълум юридик фактлар натижасида қонун кучи билан вужудга келади . Академик Х.Р.Раҳмонқулов асарларида шартномасиз (шартномага асосланмаган) мажбуриятлар мажбуриятларнинг алоҳида туркуми сифатида эътироф этилади ва зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларни ҳуқуқни муҳофаза қилишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар туркумига киритади .

Фуқаролик ҳуқуқи назариясида мажбуриятлар институти юридик муносабатларнинг энг муҳим ва динамик таркибий қисми ҳисобланади. Айниқса, шартномага асосланмаган (шартномасиз) мажбуриятларнинг ҳуқуқий табиати, уларнинг келиб чиқиш асослари ва тизимдаги ўрни масаласи ҳуқуқшунос олимлар орасида доимий илмий мунозара объекти бўлиб келган. Мазкур йўналишда Г.Дернбург, Е.А.Суханов ва Х.Р.Раҳмонқулов каби олимларнинг илмий қарашлари назарий жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

Г. Дернбургнинг фикрича, мажбуриятлар бўлинишининг асосий мезони уларнинг келиб чиқиш манбаи билан боғлиқдир. У мажбуриятларнинг асосий қисмини юридик битимлардан келиб чиқувчи мажбуриятлар ва битимлардан ташқари, яъни бошқа ҳуқуқий фактлар натижасида юзага келадиган мажбуриятлар деб икки гуруҳга ажратади. Унингча, бу икки гуруҳ мажбурият ҳуқуқининг тузилишини белгилайди ва фуқаролик муомаласидаги барча ҳуқуқий муносабатлар учун манба вазифасини бажаради. Г.Дернбург концепциясига кўра, шартномасиз мажбуриятлар ҳам ҳуқуқий табиатга эга бўлиб, улар қонуннинг бевосита таъсири натижасида вужудга келади, яъни иштирокчиларнинг хоҳиш-иродаси билан эмас, балки ҳуқуқ нормаларининг императив характерида келиб чиқади.

Е.А. Суханов эса мазкур масалага биров бошқача ёндашади. Олимнинг таъкидлашича, шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятлар иродалар мувофиқлигига асосланса, шартномадан ташқари мажбуриятлар маълум юридик фактлар — зарар етказиш, асоссиз бойиш, бошқа шахс ишларини ваколатсиз бошқариш ва ҳоказолар — натижасида қонун кучига кўра юзага келади. Е.А. Сухановнинг фикрича, бундай мажбуриятлар иштирокчиларнинг иродавий элементларига эмас, балки қонуннинг ҳимоя функциясига таянади. У буни фуқаролик ҳуқуқининг ҳимоявий вазифасининг ифодаси сифатида баҳолайди.

Ўз навбатида, академик Х.Р. Раҳмонқулов ҳам мазкур институтини алоҳида тизимий асос сифатида кўриб чиқади. Унинг асарларида шартномасиз мажбуриятлар мажбуриятларнинг мустақил туркуми сифатида эътироф этилади, ва олим уларни “ҳуқуқни муҳофаза қилишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар” деб атайди. Раҳмонқуловнинг фикрича, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар фақат моддий тикланишни таъминлаш эмас, балки ҳуқуқбузарлик натижасида бузилган ҳуқуқий мувозанатни тиклашга ҳам хизмат қилади. Шу жиҳатдан, у бу мажбуриятларни ҳуқуқни ҳимоя қилиш чораларининг амалий шакли деб ҳисоблайди.

Ушбу уч олимнинг қарашларини қиёсий таҳлил этиш шуни кўрсатадики, улар орасида умумийлик ва фарқли жиҳатлар мавжуд. Умумий жиҳат сифатида шундан иборатки, барча муаллифлар шартномасиз мажбуриятларнинг келиб чиқишини қонун нормалари таъсирида вужудга келувчи ҳуқуқий ҳолатлар билан боғлайди. Бироқ, фарқ шундаки, Дернабург буни ҳуқуқий манбалар тизимидаги табиий тасниф сифатида кўради, Е.А.Суханов эса уни ҳуқуқ ҳимоясининг қонуний механизми деб баҳолайди, Х.Раҳмонқулов эса буни ҳуқуқни муҳофаза қилишнинг мустақил институтларидан бири сифатида ифодалайди.

Муаллифнинг фикрича, замонавий фуқаролик ҳуқуқи шароитида мазкур қарашларни интеграцияланган ҳолда таҳлил қилиш зарур. Чунки шартномасиз мажбуриятлар фақат битимга зид ҳолат сифатида эмас, балки фуқаролик ҳуқуқининг ҳимоя функциясини амалга оширувчи мустақил ҳуқуқий институт сифатида намоён бўлади. Улар орқали фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланади, моддий зарар қопланади ва ҳуқуқий мувозанат қайта ўрнатилади.

Г. Дернабург, Е.А. Суханов ва Х.Р. Раҳмонқуловнинг илмий меросида шартномасиз мажбуриятлар масаласи турлича ёритилган бўлса-да, уларнинг барчаси мазкур институтнинг фуқаролик ҳуқуқи тизимидаги муҳим ўрнини таъкидлайди. Мазкур илмий позицияларни қиёсий таҳлил этишдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, шартномасиз мажбуриятлар ҳуқуқий муносабатларнинг универсал ҳимоявий механизми сифатида намоён бўлиб, замонавий ҳуқуқ тизимида фуқаролик жавобгарлиги ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш чораларини боғловчи ўзаро интегрatív боғин ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 8-моддаси 2-қисми 6-бандида “бошқа шахсга зарар етказиш натижасида” ҳам фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтирувчи асос сифатида эътироф этилади. Демак, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар учун зарур бўлган юридик факт бу – бошқа шахсга зарар етказилиши факти ҳисобланади. Шунингдек, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар моҳияти Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 985-моддаси, 1- кўра, “Ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган шу жумладан бой берилган фойда зарар зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим”. Шунга ўхшаш тарзда мазкур мажбуриятнинг моҳияти бошқа фуқаролик ҳуқуқ тизимларида ҳам белгиланган. Германия Фуқаролик Тузукларининг 823-моддаси 1- қисмида “бошқа шахснинг ҳаётига, баданига, соғлиғига, эркинлиғига, мулкига ва бошқа ҳуқуқига қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида зарар етказган шахс, келиб чиққан зарарни қоплашга мажбур”. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 985-моддаси 1-қисмида назарда тутилган нормадан фарқли равишда Германия Фуқаролик Тузукларининг 823-моддаси 1-қисмида айбнинг турлари ҳам назарда тутилган бўлишига қарамай, иккала нормада ҳам асосан бошқа шахсга зарар етказиш мазкур зарарни қоплаш мажбуриятини келтириб чиқариши тўғрисидаги қоида ўз ифодасини топганлигини кузатиш мумкин .

Зарарни қоплашнинг умумий шарти шундан иборатки, у уни етказган шахс томонидан қопланади, яъни унинг ҳаракатлари билан етказилган зарар ўртасида сабабий боғланиш мавжуд бўлиши керак. Бу ҳар қандай юридик жавобгарлик, жумладан, фуқаролик жавобгарлигининг зарурий шарти ҳисобланади. Бироқ фуқаролик қонунчилиги умумий қоидадан айрим ҳолларда чекинишга ва қонун билан махсус белгиланган ҳолларда зарарни қоплаш мажбуриятини зарар етказмаган, лекин қонун билан белгиланган шахс зиммасига юклашга йўл қўяди.

Зарарни қоплаш мажбуриятининг вужудга келишининг яна бир шarti – бу зарар етказувчининг айби ҳисобланади. Жабрланувчининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, аввал таъкидланганидек, қонунчиликда зарар етказувчининг айби мавжудлиги ҳақида презумпция (айблиликнинг олдиндан белгиланиши) ўрнатилган. Бироқ менинг фикримча, бундай қоида тўғри эмас, чунки у “исботлаш мажбурияти даъво қилувчи шахсга тегишли” деган процессуал қоидага зид келади ва натижада зарар етказувчи шахсни жабрланувчига нисбатан ноинсоф, нобаробар ҳолатга қўяди.

Масалан, шундай вазиятни кўриб чиқайлик: жабрланувчи қасддан ўзининг зарар кўришига ёрдам беради, лекин зарар етказувчи муайян сабабларга кўра ўзининг айбсизлигини исботлай олмайди. Масалан, пиёда киши ўз ҳаётини тугатиш мақсадида қасддан автомобил ғилдираги остига ташланади ва натижада оғир жароҳат олади. Бу воқеада гувоҳлар йўқ. Энди бундай ҳолда зарар етказувчининг айбсизлигини қандай исботлаш мумкин? Шу сабабли, менинг фикримча, зарар етказувчининг айблилиги тўғрисидаги презумпцияни фуқаролик қонунчилигидан чиқариш лозим, чунки у фуқароларнинг фуқаролик муносабатларидаги тенглик тамойилига зид келади.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик нуқтаи назаридан зарар етказувчининг айби шакли ёки даражаси аҳамиятга эга эмас. Зарар етказувчи ҳам қасддан, ҳам эътиборсизлик (безътиборлик) натижасида етказилган зарар учун бир хил даражада жавобгар ҳисобланади. Бундан ташқари, қонун айрим ҳолларда зарар етказувчининг айбига боғлиқ бўлмаган ҳолларда ҳам жавобгарликни назарда тутаяди; бу ҳақда тегишли параграфда алоҳида сўз юритилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, зарар етказилиши натижасида вужудга келадиган мажбуриятларни қуйидагича тавсифлаш мумкин: зарар етказилиши натижасида вужудга келадиган мажбуриятлар — бу шартнома муносабатларидан ташқари вужудга келадиган мажбурият бўлиб, у жабрланувчининг мутлақ хусусиятга эга бўлган мулкӣ ёки номулкӣ ҳуқуқларининг бузилиши натижасида юзага келади. Ушбу мажбуриятнинг асосий мақсади — ушбу ҳуқуқларни илојӣ борича тўлиқ тиклашни таъминлашдир. Бу — зарар етказувчининг ўзи ҳисобидан ёки қонун билан белгиланган ҳолларда бошқа шахслар ҳисобидан амалга оширилади.

Зарарни қоплаш мажбуриятларига хос бўлган белгилари қуйидагилардан иборат:

- уларнинг амал қилиш доираси ҳам мулкӣ, ҳам номулкӣ муносабатларга тааллуқлидир;
- улар фақат мутлақ хусусиятга эга ҳуқуқлар бузилган ҳолларда вужудга келади (ҳуқуқ мулкӣ ёки номулкӣ бўлишидан қатъи назар);
- зарарни қоплаш мажбуриятлари шартнома муносабатларидан мустақил ҳолда вужудга келади;
- улар жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплашга қаратилган;
- зарарни қоплаш мажбурияти ҳам зарар етказувчининг ўзига, ҳам унинг манфаатида ҳаракат қилган учинчи шахсга юкланиши мумкин.

Масалан, шахс хизмат мажбуриятларини бажариш жараёнида давлат манфаатида ҳаракат қилиб, аτροφдагиларга зарар етказган бўлса, ва бу ҳаракатлар қонуний бўлган тақдирда, етказилган зарарни ё зарар етказувчининг ўзи, ёки давлат органи қоплаши мумкин.

Субъектлар таркибига келсак, зарар етказилиши натижасида вужудга келадиган мажбуриятлар ривожланиши жараёнида бу таркиб жиддий ўзгариши мумкин. Субъектлар алмашинуви (суброгация ёки регресс) натижасида ҳам кредитор, ҳам қарздор ўзгариши

мумкин. Масалан, суброгацияда кредиторнинг ҳуқуқлари суғурта компаниясига ўтади, регрессда эса асосий мажбуриятдаги қарздор кредиторга айланади.

Бу турдаги мажбуриятларнинг субъектлари жисмоний ҳамда юридик шахслар бўлиши мумкин. Улар зарар етказувчи ёки жабрланувчи сифатида қатнашади, бу ерда уларнинг ташкилотчилик-ҳуқуқий шакли аҳамиятга эга эмас. Бироқ ташкилотни зарар етказувчи деб тан олиш учун унинг фаолиятида иштирок этган шахсларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги айнан ташкилотнинг ўзи томонидан содир этилган фаолият сифатида намоён бўлиши лозим. Масалан, агар фуқаро ички ишлар органи ходими томонидан ноқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилган бўлса ва натижада соғлиғига зарар етказилган бўлса, у етказилган зарарни тўғридан-тўғри ходимдан эмас, балки ички ишлар органидан ундириш ҳуқуқига эга.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб қуйидаги илмий хулосани айтиш мумкин:

Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат вазифаларини бажариш жараёнида ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ муносабатлар давлатнинг ижтимоий ва ҳуқуқий мажбуриятларидан бири сифатида намоён бўлади. Бу муносабатлар фуқаролик ҳуқуқининг махсус турига — давлатнинг зарар учун жавобгарлиги институтига тааллуқли бўлиб, уларнинг асосий моҳияти давлат хизмати билан боғлиқ хавфнинг юқори даражада эканлигида ифодаланади.

Ўзбекистон Республикасида мазкур йўналишдаги ҳуқуқий тартибга солишнинг амалдаги тизими, жумладан, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонун, Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси, ҳамда ижтимоий суғурта тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар орқали амалга оширилмоқда. Бироқ амалиётда ходимларга етказилган зарарни қоплаш бўйича суд низолари, компенсация миқдорини белгилашдаги ҳуқуқий ноаниқликлар, ҳамда давлат органларининг жавобгарлик чегаралари аниқ белгиланмаганлиги каби муаммолар кузатилмоқда.

Шунингдек, ходим хизмат вазифасини бажариш жараёнида жабр кўрган ҳолатларда давлат жавобгарлигининг автоматик механизми амалда тўлиқ ишламаётгани ҳам таъкидланиши лозим. Бу эса ички ишлар органлари тизимида хизмат қилувчи шахсларнинг ижтимоий ҳимоя даражасига салбий таъсир кўрсатади.

Назаримизда, ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунга қўшимча модда сифатида қуйидаги нормани киритиш мақсадга мувофиқ саналади. Ходимнинг хизмат вазифаси билан боғлиқ ҳолда ҳалок бўлиши ёки ногиронликка учраши ҳолатларида давлат томонидан қопланадиган моддий ёрдам, суғурта тўловлари ва ижтимоий кафолатларнинг аниқ миқдорий мезонларини белгилаш зарур.